БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (7485)
16 ФЕВРАЛЬ
ПАЙШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва иттифоқ мустаҳкамлансин ва абадий яшасин!

САЙЛОВЛАРГА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

СССР Олий Совети сайловларига тайёрлик бутун совет мамлакатимизда халқнинг юксак ватанпарварлигининг ёрқин намойишига айланмоқда. Совет кишилари бўлажак сайловларни янги ғалабалар блан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир социалистик хўжалигимизнинг ҳамма тармоқларида сайловлар шарафига умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйиб кетди. Бу мусобақа ҳар куни ажойиб натижалар бермоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизда оммавий агитация ва пропаганда ишлари кучайтириб юборилди. Минг-минглаб агитатор ва пропагандистлар дун'ёда энг демократик конституция — Сталин Конституциясининг принципларини, совет сайлов системасининг капиталистик давлатлардаги сайлов системасидан беҳисоб афзаллигини, совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчларини, совет мамлакатининг сталинча бешйилликлар мобайнида эришган оламшумул-тарихий ғалабаларини меҳнаткашларга тушунтириб бермоқдалар.

«СССР Олий Советига сайловлар ҳақида Низом»да барча сайлов комиссияларининг вазифалари аниқ кўрсатилган. Сайлов комиссияларининг асосий вазифаси — ўз сайлов округи территориясида «СССР Олий Советига сайловлар ҳақида Низом»нинг сўзсиз бажарилишини доим назорат қилиб туришдан, сайловчилар рўйхатини ўз вақтида тузиш ва бу рўйхатларнинг ўз вақтида ҳаммага ма'лум қилинишини назорат қилишдан иборатдир. Мана бу вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши сайлов комиссияларининг олдида турган ғоят муҳим ишдир.

Сайловларга тайёргарликдаги асосий ташкилий ишлар ҳарбир сайловчининг Сталин Конституциясида берилган ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишини та'минлашга қаратилмоғи лозим. Ташкилий ишларнинг ёмонлиги, ёки бирон ходимнинг ўз ишига совуққонлик блан қараши натижасида бирорта ҳам сайловчининг сайловларда қатнашмай қолишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ташкилий-техник ишларнинг ҳарбир майда-чуйдасига ҳам муҳим ва асосий иш деб қараш лозим. Сайловчиларнинг рўйхатларида ҳарбир гражданнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, истиқомат жойи аниқ, хатосиз ёзилиши керак.

Ҳозир ҳамма сайлов участкаларида «СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»га мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатлари осиб қўйилди. Лекин кўпгина жойларда, чунончи: Тошкент қишлоқ районп, Сирдар'ё, Пискент районлари, Қўқон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги бирқанча сайлов участкаларида дастлабки ўтказилган текширишдаёқ сайловчиларнинг рўйхатларида анчагина хато ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги ма'лум бўлди. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг энг муҳим вазифаси сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликларни тезликда тузатиб, ҳарбир гражданнинг қонунда белгиланган тартибда сайлов рўйхатида тўғри ёзилишини та'минлашдан иборат.

СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик бошланганидан буён ўтган давр ичида республикамизнинг маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, сайлов комиссиялари, жамоат ташкилотлари анчагина ишлар қилдилар. Сайлов округлари ва участкаларида ташкилий-техник ишлар кучайтириб юборилди. Миллатлар Советига сайловлар ўтказувчи республика сайлов комиссияси ўзининг яқинда бўлган мажлисида бу масалани муҳокама қилди ва Тошкент-Ленин шаҳар сайлов округи ва Янгийўл сайлов округида СССР Олий Совети сайловларига тайёрлик юзасидан анчагина ишлар қилинганини кўрсатиб ўтди. Шу блан бирга, бу сайлов округларида сайловларга тайёргарлик кўришда кўпгина камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Тошкент шаҳар Октябрь, Куйбишев районларида ва Охунбобоев, Тошлоқ районларида, Марғилон, Қарши шаҳарларида айрим сайлов участкалари биноларини жиҳозлаш ишлари ҳозиргача тамом бўлмаган.

Шу кунларда район партия конференциялари бўлиб ўтмоқда. Партия конференцияларида вакиллар сайловларга тайёргарлик масалаларини ҳам муҳокама қилмоқдалар. Октябрь ва Тўрақўрғон район партия конференциялари бу районларда сайловларга тайёргарликнинг қониқарсиз бораётганини, сайлов участкалари ҳалигача жиҳозланмаганлигини, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари бу ишга етарли раҳбарлик қилмаётганликларини кўрсатди. Бу районларда сайловчиларнинг рўйхатларини тузишда анчагина камчиликларга йўл қўйилган.

Партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси—сайловларга тайёргарлик ишларида очиб ташланган камчиликларни дарҳол тугатиш, сайлов участкаларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Сайлов кампаниясида алоқа воситалари ғоят катта роль ўйнайди. Бу жиҳатдан республикамиз алоқачилари зиммасига катта ва шарафли вазифа юклатилади. Узоқ яйловларда, тоғли районлардаги қишлоқларда, шаҳар ва темир йўлдан анча узоқда бўлган ерларда алоқа ишларини пухта уюштиришга айниқса катта э'тибор бериш зарур.

Маҳаллий Советлар, партия ва жамоат ташкилотлари сайлов участкалари ва агитпунктларнинг яхши ишлаши ҳақида ҳартарафлама ғамхўрлик қилиб, уларни жиҳозлаш ишларига алоҳида э'тибор беришлари керак. Ҳарбир сайлов участкаси, ўтин-кўмир, жиҳозлар блан, агитпунктлар эса сайловга доир адабиётлар, газета, журнал, плакатлар блан та'минланиши керак. Республика, область, район территориясидаги ҳамма сайлов участкаларининг алоқанинг бутун воситаларидан тўла фойдаланишига эришиш—барча партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари сайлов участкаларини адабиётлар ва сайлов кампанияси учун зарур бўлган ҳамма нарсалар блан та'минлаш ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

СССР Олий Совети сайловларига ташкилий жиҳатдан пухта тайёрланиш муҳим вазифадир. Бу ишнинг муваффақияти — маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотларининг большевикча раҳбарлигига боғлиқдир.

Социалистик давлатимизнинг олий органига бўлажак сайловларга ҳартарафлама пухта тайёрланайлик!

Хитой Халқ Республикаси элчихонасида қабул маросими

14 февральда Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ван Цзя-сян жаноблари Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукуматининг Раиси Мао Цзе-дун жаноблари ва Хитой Халқ Республикаси Давлат Ма'мурият Кенгашининг Раиси ҳамда Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лай жаноблари шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида СССР Министрлар Советининг Раиси И. В. Сталин ҳозир бўлди.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Шверник, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосарлари В. М. Молотов, Г. М. Маленков, Л. П. Берия, К. Е. Ворошилов, А. И. Микоян, Л. М. Каганович, Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Б. П. Черноусов, СССР Министрлари — А. Я. Вишинский, А. Г. Зверев, М. А. Меньшиков, В. С. Абакумов, К. П. Горшенин, С. В. Кафтанов, Б. П. Бещев, Б. И. Смирнов, И. Г. Большаков, Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённий, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосарлари А. А. Громико ва В. А. Зорин, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Элчиси Н. В. Рощин, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, Адмирал И. С. Юмашев, ВЦСПС Раиси В. В. Кузнецов, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Савдо вакили В. П. Мигунов, жамоат ва матбуот вакиллари, фан ва сан'ат арбоблари ҳам ҳозир бўлдилар.

Хитой томонидан қабул маросимида, Шарқи-Шимолий Ҳукумат Раисининг Ўринбосари Ли Фу-чунь жаноблари, профессор Чен Бо-да, Синьцзян Вилоят Халқ Ҳукумати Раисининг Ўринбосари С. Азизов жаноблари, У Сю-цюань жаноблари, Оў Ян-цин жаноблари, генерал Ван Дун-син, Люй Дун жаноблари, Чен Янь-пин жаноблари, Чжан Хуа-дун жаноблари, Цай Шу-фань жаноблари, Не Чунь-юн жаноблари, Ло Вэй жаноблари, Москвадаги Хитой Элчихонасининг а'золари ва мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Чехословакия Республикасининг Элчиси Б. Лаштовичка жаноблари, Қурия Халқ-Демократик Республикасининг Элчиси Дю Ен Ха жаноблари, Булғория Халқ Республикасининг Элчиси С. Благоева хоним, Румония Халқ Республикасининг Элчиси С. Бугич жаноблари, Венгрия Халқ Республикасининг Элчиси А. Собек жаноблари, Мўғулистон Халқ Республикасининг Элчиси Н. Идамжаб жаноблари, Албания Халқ Республикасининг Элчиси В. Натанаили жаноблари, Германия Демократик Республикаси Дипломатия Миссиясининг Бошлиғи Р. Аппельд жаноблари, Польша Республикасининг Мувaққат Ишлар вакили Я. Замбрович жаноблари, шунингдек мазкур мамлакатлар Элчихоналари ва Миссияларининг а'золари ҳам ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган Шартнома ва Битимларнинг имзоланиши тўғрисида

Совет—Хитой ахбороти

Кейинги вақтларда Москвада бир томондан, СССР Министрлар Совети Раиси И. В. Сталин ва СССР Ташқи Ишлар Министри А. Я. Вишинский блан, иккинчи томондан, Хитой Халк Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати Раиси Мао Цзе-дун жаноблари ва Давлат Ма'мурий Кенгаши Раиси ҳамда Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лай жаноблари ўртасида музокаралар бўлди. Бу музокаралар вақтида Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларга доир муҳим сиёсий ва иқтисодий масалалар муҳокама қилинди.

Самимий ва дўстона ҳамкорлик вазиятида ўтган музокаралар ҳар икки томоннинг ўзаро дўстлик муносабатлари ва ҳамкорликни ҳартарафлама мустаҳкамлаш ва янада кучайтиришга интилаётганлигини, шунингдек умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини та'минлаш мақсадида ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини та'кидлади.

Музокаралар 14 февральда Кремльда қуйидаги Шартнома ва Битимларнинг имзоланиши блан тамом бўлди: 1. Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган шартнома; 2. Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисида тузилган битим. Япония блан сулҳ шартномаси имзоланганидан кейин, анз шу битимга мувофиқ, Хитой Чанчунь темир йўли тамомила Хитой Халқ Республикаси ихтиёрига топширилади, совет қўшинлари эса Порт-Артурдан олиб кетилади ва 3. СССР етказиб берадиган саноат ва темир йўл ускуналарининг ҳақини тўлаш учун ССР Иттифоқи Ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига узоқ муддатли иқтисодий кредит бериши тўғрисидаги битим.

Юқорида айтилган Шартнома ва Битимларни СССР томонидан А. Я. Вишинский ва Хитой Халқ Республикаси томонидан Чжоу Энь-лай жаноблари имзоладилар.

Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Шартнома ҳамда Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисидаги Битим имзолангaнидан кейин Чжоу Энь-лай жаноблари ва А. Я. Вишинский бир-бирларига нота топширдилар. Бу ноталарда қуйидагилар айтилган: 1945 йилнинг 14 августида Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган тегишли Шартнома ва Битимлар ўз кучини йўқотди, шунингдек ҳар икки Ҳукумат 1945 йилда ўтказилган референдум (умумхалқ овозига қўйиш) натижасида ва Хитой Халқ Республикаси Мўғулистон Халқ Республикаси блан дипломатия муносабатлари ўрнатганлиги натижасида Мўғулистон Халқ Республикасининг мустақиллиги тўла та'минланганлигини та'кидлайдилар.

Айни замонда Чжоу Энь-лай жаноблари ва А. Я. Вишинский Совет Ҳукуматининг Маньчжурияда совет хўжалик ташкилотлари томонидан япон мулкдорларидан сотиб олинган мол-мулкларни Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига текин топширишга қарор қилганлиги тўғрисида, шунингдек Совет Ҳукуматининг Пекиндаги собиқ ҳарбий шаҳарчанинг ҳамма биноларини Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига текин топширишга қарор қилганлиги тўғрисида ҳам бир-бирларига нота топширдилар.

Қуйида мазкур Шартнома ва Битимларнинг тўла текстлари келтирилади.

Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган

Ш А Р Т Н О М А

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати,

Япония империализмининг тикланишига ва Япония томонидан ёки агрессия ишларида Япония блан бирор шаклда бирлашган бошқа ҳарқандай давлат томонидан агрессиянинг такрорланишига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли блан биргаликда халақит беришга қат'ий қарор қилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига мувофиқ суратда Узоқ Шарқда ва бутун дун'ёда узоқ давом этадиган тинчлик ва умумий хавфсизликни мустаҳкамлашни истаб,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш Совет Иттифоқи ва Хитой халқларининг асл манфаатларига муносибдир деб қаттиқ ишониб,

шу мақсадда ушбу Шартномани тузишга қарор қилдилар ва

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми — ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри Андрей Януарьевич Вишинскийни.

Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати—Хитой Давлат Ма'мурий Кенгашининг Раиси ва Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лайни ўз Вакиллари қилиб тайинладилар.

Ҳар икки вакил ўз ваколатномаларини кўрсатганларидан ва бу ваколатномалар тегишли шаклда ҳамда мукаммал деб топилгандан кейин, қуйидагилар тўғрисида бир фикрга келдилар:

МОДДА 1.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон Япония томонидан ёки Япония блан бевосита ёки бирон бошқа шаклда бирлашган бошқа ҳарқандай давлат томонидан агрессиянинг такрорланишига ва тинчликнинг бузилишига йўл қўймаслик учун ўз ихтиёрларида бўлган бутун зарур чораларни биргаликда кўриш мажбуриятини олади. Аҳдлашувчи Томонлардан бири мабодо Япониянинг ёки у блан иттифоқ тузган давлатларнинг ҳужумига дучор бўлиб, бунинг натижасида уруш ҳолатида бўлса, Аҳдлашувчи иккинчи Томон дарҳол ҳарбий ёрдам ва ўз ихтиёрида мавжуд бўлган ҳамма воситалар блан бошқа хилда ёрдам кўрсатади.

Аҳдлашувчи Томонлар бутун дун'ёда тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш мақсадини кўзда тутган халқаро миқ'ёсдаги барча ишларда самимий ҳамкорлик руҳида қатнашишга тайёр эканликларини ҳам билдирадилар ва бу мақсадларни тезроқ амалга ошириш учун ўзларининг бутун кучларини сафарбар қиладилар.

МОДДА 2.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон ўзаро келишиш шарти блан иккинчи жаҳон уруши вақтида иттифоқчи бўлган бошқа давлатлар блан биргаликда мумкин қадар қисқароқ вақт ичида Япония блан Сулҳ Шартномаси тузишга ҳаракат қиладилар.

МОДДА 3.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон бир-бирига қарши қаратилган бирон иттифоқ тузмаслик, шунингдек ҳарқандай коалицияларда ва бир-бирига қарши қаратилган иш ёки тадбирларда қатнашмаслик мажбуриятини оладилар.

МОДДА 4.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон тинчлик ва умумий хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзда тутиб, Совет Иттифоқи ва Хитойнинг умумий манфаатларига тааллуқли бўлган барча муҳим халқаро масалаларда бир-бирлари блан маслаҳатлашиб турадилар.

МОДДА 5.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳамда ҳуқуқий тенглик, ўзаро манфаатлар принципларига, шунингдек давлат суверенитети ва территория яхлитлигини ўзаро ҳурмат қилиш ва иккинчи Томоннинг ички ишларига аралашмаслик принципларига мувофиқ суратда Совет Иттифоқи блан Хитой ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш ва мустаҳкамлаш, бир-бирларига имконият борича ҳарқандай иқтисодий ёрдам бериш ва зарур иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

МОДДА 6.

Ушбу Шартнома тасдиқланган кундан бошлаб дарҳол кучга киради; Шартноманинг тасдиқланганлиги ҳақидаги ёрлиқлар Пекинда айрибошланади.

Ушбу Шартнома 30 йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Аҳдлашувчи Томонлардан бири шу муддат тамом бўлишига бир йил қолганда Шартномани бекор қилишни истаганлигини билдирмаган тақдирда, Шартнома яна беш йил муддатга ўз кучида қолади ва шу қоидага мувофиқ ҳар сафар Шартноманинг муддати яна 5 йилга узаяверади.

Шартнома Москва шаҳрида, 1950 йил 14 февральда, рус ва хитой тилларида икки нусхада тузилди, ҳар икки тилдаги нусхалари бир хил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Ваколатига мувофиқ
А. ВИШИНСКИЙ.

Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукуматининг Ваколатига мувофиқ
ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ.

Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган

Б И Т И М

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати қуйидагиларни та'кидлайдилар: 1945 йилдан кейин Узоқ Шарқдаги вазиятда катта ўзгаришлар юз берди, чунончи: империалистлар Японияси енгилди; тескарчи гоминдан ҳукумати ағдариб ташланди; Хитой халқ-демократик республикага айланди, Хитойда янги, Халқ Ҳукумати тузилди. Бу Ҳукумат бутун Хитойни бирлаштирди, Совет Иттифоқи блан дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини амалга оширди ва Хитойнинг давлат мустақиллигини ҳамда территориал яхлитлигини, хитой халқининг миллий шон-шуҳрати ва ҳурматини қаттиқ туриб ҳимоя қилаолажагини исбот этди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати бу янги вазият Хитой Чанчунь темир йўли тўғрисидаги, Порт-Артур тўғрисидаги ва Дальний тўғрисидаги масалани янгича ҳал этиш имконини беради деб ҳисоблайдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати ана шу янги вазиятга мувофиқ Хитой Чанчунь тўмир йўли тўғрисида, Порт-Артур тўғрисида ва Дальний тўғрисида ушбу Битимни тузишга қарор бердилар.

МОДДА 1.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон қуйидаги фикрга келдилар: Совет Ҳукумати Хитой Чанчунь темир йўлини биргаликда бошқариш соҳасидаги ўзининг ҳамма ҳуқуқларини бу темир йўлга қарашли ҳамма мол-мулклар блан бирга Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига текин топширади. Топшириш Япония блан Сулҳ Шартномаси тузилгандан кейин, аммо 1952 йилнинг охиридан кечиктирилмай бўлади.

Хитой Чанчунь темир йўлини Совет Иттифоқи блан Хитойнинг биргаликда бошқариши юзасидан ҳозирда мавжуд бўлган низомлар мазкур ҳуқуқ ва темир йўлнинг мол-мулклари топшириладиган пайтгача ўзгартирилмай қолдирилади. Аммо Совет ва Хитой Томонлари вакилларининг вазифаларини адо этиш тартиби ушбу Битим кучга кирганидан кейин ўзгартирилади ва вазифаларни муайян муддатгача навбатма-навбат бажариш тартиби белгиланади (Йўл бошқарувчиси, Правление Раиси ва ҳоказо).

Биргаликда бошқариш ҳуқуқини ва темир йўл мулкларини топширишнинг аниқ тартибини аҳдлашувчи икки Томон Ҳукуматлари ўзаро келишиб белгилайдилар.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган

Б И Т И М

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

МОДДА 2.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон қуйидаги қарорга келдилар: Япония блан Сулҳ Шартномаси тузилгандан кейин, аммо 1952 йилнинг охиридан кечиктирилмай Совет қўшинлари бирғаликда фойдаланилган Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасидан олиб кетилади ва бу районлаги иншоотлар Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматига топширилади. Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати Совет Иттифоқининг мазкур иншоотларни тиклаш ва қуриш учун 1945 йилдан буён қилган харажатларини Совет Иттифоқига тўлайди.

Совет қўшинлари олиб кетилгунча ва мазкур иншоотлар топширилгунча ўтадиган даврда Совет Иттифоқи ва Хитой Ҳукуматлари Бирлашган Хитой — Совет ҳарбий комиссиясини тузиш учун баравар миқдорда ҳарбий вакиллар тайинлайдилар. Бу комиссияда ҳар икки Томон вакиллари навбатма-навбат раислик қилишлар. Бу комиссия Порт-Артур районидаги ҳарбий ишларни бошқаради; бу соҳадаги амалий тадбирлар ушбу Битим кучга кирганидан кейин уч ой мобайнида Бирлашган Хитой — Совет ҳарбий комиссияси томонидан белгиланади ва бу тадбирлар ҳар икки Томон Ҳукуматлари тасдиқлаганидан кейин амалга оширилади.

Мазкур райондаги граждан маъмурияти Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг бевосита ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Порт-Артур районида совет қўшинлари жойлашган зона совет қўшинлари олиб кетилганига қадар ҳозир мавжуд бўлган чегараларга мувофиқ ўзгартирилмай қолдирилади.

Маболо Аҳдлашувчи Томонларнан бири Япония агрессиясига дучор бўлса ёки Япония блан бирлашган бошқа бирор давлат агрессиясига дучор бўлса ва бунинг натижасида уруш ҳаракатларига тортилса, у ҳолда Хитой ва Совет Иттифоқи агрессорга қарши бирғаликда уруш ҳаракатларини олиб боришни кўзда тутиб, Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг таклифига мувофиқ ва Совет Ҳукуматининг розилиги блан Порт-Артур ҳарбий-денгиз базасидан бирғаликда фойдалана оладилар.

МОДДА 3.

Аҳдлашувчи ҳар икки Томон Дальний порти тўғрисидаги масала Япония блан Сулҳ шартномаси тузилгандан кейин муҳокама қилинишни лозим деган қарорга келдилар.

Дальнийдаги маъмуриятга келганда, бу маъмурият тамомила Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг бўлади.

Ҳозирги вақтда Дальнийда бўлган ва Совет Иттифоқи вақтинча ўз назоратига ёки ижарага олган мол-мулкларнинг ҳаммасини Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати қабул қилиб олиши лозим. Мазкур мол-мулкларни қабул қилиб олиш соҳасидаги ишларни бажариш учун Совет Иттифоқи ва Хитой Ҳукуматлари Бирлашган комиссия тузиш мақсадида ҳар икки томондан ўттизтадан вакил тайинлайдилар. Бу комиссия ушбу Битим кучга кирганидан кейин уч ой мобайнида мол-мулкларни топширишнинг конкрет усулларини белгилайди ва Бирлашган комиссия ўз таклифлари ҳар икки Томон Ҳукуматлари томонидан тасдиқланганидан кейин бу соҳадаги ишларни 1950 йил мобайнида тугаллайди.

МОДДА 4.

Ушбу Битим тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради. Битимнинг тасдиқланганлиги ҳақидаги ёрлиқлар Пекинда айирбошланади.

Битим Москвада 1950 йил 14 февральда рус ва хитой тилларида икки нусха тузилди, ҳар икки тилдаги нусхалари бирхил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советн Президиумининг Ваколатига мувофиқ
А. ВИШИНСКИЙ

Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукуматининг Ваколатига мувофиқ
ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ

Хитой Халқ Республикасига кредит бериш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати блан Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати ўртасида тузилган

Б И Т И М

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукуматига Совет Иттифоқи Хитойга етказиб бермоқчи бўлган ускуналар ва бошқа материаллар ҳақини тўлаш учун Хитойга кредит бериш тўғрисидаги илтимосини қондиришга рози бўлганлиги муносабати блан ҳар икки Ҳукумат вакиллари тўғрисида бир фикрга келдилар:

МОДДА 1.

ССР Иттифоқи Ҳукумати Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукуматига доллар ҳисобида 300 миллион америка доллари миқдорида кредит беради, бир унция соф олтин 35 америка долларига баравар ҳисобланади.

Хитой территориясида узоқ давом этган уруш ҳаракатлари натижасида Хитойнинг бениҳоя вайрон бўлганлигини эътиборга олиб, Совет Ҳукумати енгил шартларда — йилига 1 процент миқдорида процент олиш шарти блан кредит беришга рози бўлди.

МОДДА 2.

1-нчи моддада кўрсатилган кредит ССРдан етказиб бериладнган ускуналар ва материаллар ҳақини, шу жумладан электростанциялар, металлургия ва машинасозлик заводлари учун етказиб бериладиган ускуналар, кўмир ва руда шахталари ускуналари, темир йўл ва бошқа транспорт ускуналари, темир йўл изларн ва Хитой халқ хўжалигини тиклаш ҳамда ривожлантиришга керакли бошқа материаллар ҳақини тўлаш учун 1950 йил 1 январьдан бошлаб беш йил мобайнида ҳар йили кредитнинг бешдан бир қисми миқдорида бериб турилади.

Етказиб бериладиган ускуналар ва материалларнинг номенклатураси, миқдори, нархи ва уларни етказиб бериш муддатлари ҳар икки Томоннинг алоҳида Битимига мувофиқ белгиланади, шу блан бирга бу ускуна ва материалларнинг нархлари жаҳон бозорларидаги нархлар асосида белгиланади.

Кредитнинг бир йил ичида фойдаланилмай қолган суммасидан кейинги йиллар мобайнида фойдаланиш мумкин.

МОДДА 3.

Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукумати 1-нчи моддада кўрсатилган кредитни, шунингдек бу кредит юзасидан тегишли процентларни хомаш'ё, чой, олтин, америка доллари блан тўлайди. Хомаш'ё ва чой нархлари, уларнинг миқдори ва етказиб бериш муддатлари алоҳида Битимга мувофиқ белгиланади, шу блан бирга нархлар жаҳон бозорларидаги нархлар асосида белгиланади.

Кредитлар 10 йил мобайнида, ҳар йили олинган кредитнинг ўндан бир қисми миқдорида, ҳар йилнинг 31 декабридан кечиктирилмай тўланади. Навбатдаги биринчи тўлов 1954 йил 31 декабрьдан кечиктирилмай, сўнгги тўлов эса 1963 йил 31 декабрьдан кечиктирилмай тўланади.

Кредитнинг тегишли қисмларидан фойдаланила бошланган биринчи кундан эътиборан ҳисобланадиган процентлар ҳар ярим йилда тўлаб борилади.

МОДДА 4.

Ушбу Битимда кўрсатилган кредит юзасидан ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш мақсадида ССР Давлат Банки ва Хитой Халқ Республикаси Халқ Банки махсус счётлар очадилар ва ушбу Битим юзасидан ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш ва счётларни юритиш тартибини бирғаликда белгилайдилар.

МОДДА 5.

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва тасдиқланиши керак. Битимнинг тасдиқланганлиги ҳақидаги ёрлиқлар Пекинда айирбошланади.

Битим Москвада, 1950 йил 14 февральда рус ва хитой тилларида икки нусхада тузилди, ҳар икки тилдаги нусхалари бирхил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматининг Ваколатига мувофиқ
А. ВИШИНСКИЙ

Хитой Халқ Республикаси Марказий Халқ Ҳукуматининг Ваколатига мувофиқ
ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ

А. Я. ВИШИНСКИЙ нутқи

Марказий Халқ Ҳукумати Раиси жаноблари,

Давлат Маъмурий Кенгаши Раиси жаноблари,

Жаноблар!

Бугун Совет — Хитой муносабатлари тарихида янги, ажойиб саҳифа очилди. Бугун ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, чунончи: Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Совет Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида тузилган ва бугун имзоланган Шартнома ҳар икки мамлакат халқларининг мамлакатларимиз бахт-саодати учун, халқлар тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш учун абадий дўст ва ҳамкор бўлишга интилаётганликларини ифода қилади.

Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисидаги Битим катта ва муҳим аҳамиятга эгадир. Битимда айтилишича, 1945 йилдан кейин Узоқ Шарқдаги вазият тамомила ўзгарди. Бу ҳол Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур тўғрисидаги ва Дальний тўғрисидаги масалани янгича ҳал этиш имконини беради. Бу Битимнинг ҳарбир моддаси Совет Иттифоқи хитой халқининг миллий мустақиллиги ва миллий ҳуқуқ ҳамда манфаатларига буюк ҳурмат блан қараётганлигини, Совет ташқи сиёсати принципларининг улуғворлигини кўрсатади.

Халқларимизнинг Совет Иттифоқи блан Хитой ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда бир-бирларига иқтисодий ёрдам бериш ҳақидаги кескин қарори Совет Иттифоқининг Хитой Халқ Республикасига узоқ муддатли иқтисодий кредит бериш тўғрисидаги Битимга асос бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида бугун имзоланган Шартнома ва Битимлар бутун дун'ёда тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш ишига кўшилган буюк ҳиссадир.

Раис жаноблари ва Премьер жаноблари, иттифоқимизни ва дўстлигимизни мустаҳкамлайдиган бу тарихий ҳужжатларнинг имзоланиши муносабати блан Сизларни табриклашга рухсат этгайсиз.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги иттифоқ ва дўстлик мустаҳкамлансин ва абадий яшасин!

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ жаноблари нутқи

ССРР Министрлар Совети Раиси жаноблари, ССРР Ташқи Ишлар Министри жаноблари, жаноблар!

Бугун Хитой Халқ Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги янги Шартнома, Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисидаги Битим, Хитойга кредит бериш тўғрисидаги Битим имзоланди, шунингдек ноталар айирбошланди. Мазкур Шартнома ва Битимларнинг тузилиши Хитой ва Совет Иттифоқи буюк халқларининг асл манфаатларига асосланади. Бу Шартнома ва Битимлар Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасидаги қардошларча дўстлик ва абадий ҳамкорликни кўрсатади. Шартнома ва Битимларнинг тузилиши Генералиссимус Сталин сиёсатига амал қилаётган Совет Иттифоқи томонидан хитой халқининг революцион ишига фаол ёрдам берилаётганлигини айниқса яққол ифода қилади. Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасидаги ана шу мустаҳкам ва самимий ҳамкорлик жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бу ҳамкорлик тинчлик ишн учун ва Шарқ ҳамда бутун дун'ё халқларининг адолатли ҳаёт кечиришлари учун муқаррар катта та'сирини кўрсатади ва яхши натижалар беради.

Икки давлатимиз ўртасидаги буюк дўстлик Октябрь социалистик революцияси бўлган пайтдан буён қарор топди. Аммо империализм ва Хитойнинг контрреволюцион ҳукумати бизнинг ўртамиздаги ҳамкорликка тўсқинлик қилиб келган эдилар. Хитой халқининг ғалабаси вазиятни тамомила ўзгартириб юборди. Хитой халқи Раис Мао Цзе-дунининг раҳбарлиги остида Хитой Халқ Республикасини вужудга келтирди ва шу вақтгача мисли кўрилмаган ягона давлатни тузди. Бу ҳол икки Улуғ давлатларимиз ўртасида самимий ҳамкорлик барпо қилишга имкон берди. Генералиссимус Сталин блан Раис Мао Цзе-дунининг бир-бирлари блан учрашиб, фикр олишувлари натижасида бу имконият ҳақиқатга айланди ва Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдамлашиш эндиликда имзоланган Шартнома блан мустаҳкамланди. Америка империализми бошчилигидаги империалистик иттифоқ ҳарқандай агрессорлик усуллари қўлланиб давлатларимиз ўртасидаги дўстликни бузишга уринб кўрди, аммо ана шу шармандали уринишлар узил-кесил барбод бўлди.

Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган Шартнома ва Битимлар янгидан туғилган Хитой Халқ Республикаси учун айниқса катта аҳамиятга эгадир. Бу Шартнома ва Битимлар хитой халқига ўзининг ёлғиз эмаслигини сезишга ёрдам беради ва Хитой экономикасини тиклаш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради. Хитой Чанчунь темир йўли, Порт-Артур ва Дальний тўғрисида Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган Битим, Хитойга кредит бериш тўғрисидаги Битим, шунингдек Совет Ҳукуматининг Маньчжурияда япон мулкдорларидан сотиб олинган мол-мулкларни Хитой Ҳукуматига текин топшириши тўғрисида ва Пекиндаги собиқ ҳарбий шаҳарчанинг уй-жойларини Хитой Ҳукуматига текин топшириши тўғрисида айрибошланган мактублар Совет Ҳукумати ва Генералиссимус Сталинининг улуғ дўстлигини ифода қилади ва бу ҳужжатлар хитой халқининг руҳини, шубҳасиз, янада баланд кўтаради.

Ана шу улуғ дўстлик учун хитой халқи номидан Генералиссимус Сталинга ва Совет Ҳукуматига ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз.

Хитой ва Совет Иттифоқи тинчлик, адолат ва умумий хавфсизлик манфаатларини кўзда тутиб, мустаҳкам ҳамкорликни амалга оширмоқдалар. Бу ҳамкорлик Хитой ва Совет Иттифоқи халқларининг манфаатларинигина эмас, балки тинчлик ва адолатни қарор топтираётган Шарқ ва бутун дун'ёдаги барча халқларнинг ҳам манфаатларини ифода қилади. Хитой ва Совет Иттифоқи халқларигина эмас, балки бутун дун'ёдаги тараққийпарвар инсоният ҳам Битимларимизни қўллаб қувватлаяжагига ишонаман. Империалистлар ва уруш оловини ёқувчиларгина бу Шартнома ва Битимларга ёмон назар блан қарайдилар.

Хитой ва Совет Иттифоқининг қарийб 700 миллион кишидан иборат халқларининг бирдамлиги шундай бир кучки, уни асло енгиш мумкин эмас.

Яшасин Хитой блан Совет Иттифоқи ўртасидаги абадий дўстлик ва абадий ҳамкорлик!

МОГИЛЕВ САЙЛОВ ОКРУГИ

Киров номли колхоз

Улуғ Сталин — колхозчи деҳқонларнинг энг яхши дўсти

МОГИЛЕВ, 14 февраль. (ТАСС). Могилев районидаги Киров номли колхозининг янги қурилган клуби одамлар блан лиқ тўлган. Саҳна тўрига ўртоқ И. В. Сталининг портрети қўйилган. СССР Олий Советн депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун клубга колхозчилар тўпландилар.

Доцент звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. М. Овсеенко сўз олди. У бундай деди:

— Қишлоғимиз ўтмишда қолоқ эди. Қўл қўймолучи кишн кам топилар эди. Одамлар ярим оч яшардилар. Ҳозир қишлоғимизга бир назар ташланг! У таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Электр колхозчиларнинг турмушига сингиб кетди. Биз электр ёрдами блан энгир толасини ишлаймиз, уруғ тозалаймиз, чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаймиз. Давлат бизларга яқинда бўлиб ўтган урушнинг оқибатини — ертўлаларни тугатишга ёрдам берди. Ҳамма колхозчиларнинг уйида радио бор.

Колхозимиз ўт-далали алмашлаб экишни жорий қилди. Иккита ҳовуз қурилди. Далаларимизнинг ҳосили йилдан-йил ошуқда. Колхозчиларимизлан 25 кишн мўл ҳосил олганликлари учун СССР орден ва медальлари блан мукофотланди. Биз ҳар йили мўл даромад олмоқдамиз.

Биз буларнинг ҳаммаси учун колхозчи деҳқонларнинг энг яхши дўсти, севикли йўлбошчимиз ва устозимиз Иосиф Виссарионович Сталиндан миннатдормиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Бизнинг ҳамма муваффақиятларимиз ўртоқ Сталин номи блан боғланган. Ана шунинг учун мен ўртоқ Сталинни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман.

Звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Авсеенко, колхоз а'зоси Ева Ракова, Вера Севаева, колхоз раиси Донда ва бошқа ўртоқлар бу таклифни қизғин қувватладилар.

Йиғилиш ўртоқ И. В. Сталинни Могилев сайлов округидан СССР Олий Советн депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик блан қарор қилди.

Йиғилиш ўртоқ И. В. Сталинга баланд руҳ блан табрикнома қабул қилди.

НАМАНГАН-ҚИШЛОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

Сталин — бизнинг шон-шавкатимиз

Наманган район Маданият уйининг байрамдагидек безатилган залига Наманган қишлоқ сайлов округидаги меҳнаткашларнинг вакиллари—ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, илмий ходимлар, студентлар СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзод ҳақида маслаҳатлашиб, бир қарорга келиш учун сайловолди кенгашига тўпландилар.

Саҳна тўрига Иосиф Виссарионович Сталининг ва унинг содиқ сафдошларининг портретлари қўйилган. Қизил алвонларда «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!», «Яшасин дун'ёдаги энг демократик Сталин Конституцияси!», «СССР Олий Совети сайловларини меҳнатда янги муваффақиятлар блан кутиб олайлик!» деган шиорлар ёзилган.

Кенгаш қатнашчилари фахрий президиумга ВКП(б) Марказий Комитетининг ўртоқ И. В. Сталин бошлиқ Сиёсий бюросини зўр қувонч блан сайладилар.

Биринчи бўлиб Наманган районидаги 2-МТС директорининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Исмоилов сўз олди.

— МТСимизнинг коллективи, — деди ўртоқ Исмоилов,—ўзининг сайловолди йиғилишида СССР Олий Совети депутатлигига совет халқининг улуғ йўлбошчиси Иосиф Виссарионович Сталинни биринчи номзод қилиб кўрсатди.

Мажлис қатнашчилари нотиқнинг бу сўзларини гулдурос қарсак чалиб кутиб олдилар.

— Шу тарихий кунларда, — деди ўртоқ Исмоилов,—бепоён мамлакатимизнинг ҳамма жойларида турли тилларда генинал доҳимиз ва устозимиз ўртоқ Сталинга қизғин муҳаббат ва миннатдорлик сўзлари изҳор қилинмоқда. Сталин бизни Ватанимизнинг бахт-саодати ва яшнаши учун фидокорона меҳнатга илҳомлантирмоқда. Мен сайловолди кенгаши қатнашчиларидан ўртоқ Сталинни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қувватлашни сўрайман.

Залда кучли қарсаклар бирнеча минут давом этади.

Наманган районидаги «Коммуна» колхозининг а'зоси, ёш колхозчи ўртоқ Жўраевага сўз берилди.

— Большевиклар партияси, Ленин ва Сталин,—деди у,—ўзбек халқига озодлик ва бахтли ҳаёт бердилар. Ўртоқ Сталин ўзбек хотин-қизларининг социализм қурилишида актив иштирок қилишларига ёрдам берн. Бунинг учун ўртоқ Сталинга катта раҳмат!

Залда яна кучли қарсаклар бошланди.

— Бир ойдан кейин мен ўз ҳаётимда биринчи марта сайловда қатнашаман, — деди ўртоқ Жўраева.—Мен бу кунни катта байрамдек кутиб олишга тайёрланмоқдаман. Сайлов кунида мен коммунистлар блан партиясизларнинг сталинча блоки кўрсатган номзод учун, барча муваффақиятларимизнинг илҳомчиси улуғ Сталин учун овоз бераман! **(Гулдурос қарсаклар).**

Наманган районидаги Сталин номли колхозининг раиси ўртоқ Мерганов, ўртоқ Сталининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳақидаги оталарча ғамхўрлигидан илҳомланган колхоз а'золари кўкламга қизғин тайёрланаётганликларини айтиб берди. Колхоз а'золари бу йил пахтадан мўл ҳосил олиш учун мусобақани кучайтириб юборилар. Ўртоқ Мерганов СССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб ўртоқ Сталинни кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қизғин қувватлади.

Наманган районидаги Сталин номли колхозининг а'зоси ўртоқ Нуриддинов минбарга чиқди:

— Сталин—дун'ёдаги энг демократик Конституциянинг ижодчисидир. Сталин совет ёшларига билим йўлини, ижодий меҳнат йўлини кенг очиб берди. Истиқболимиз порлоқ ва қувончлидир. Улуғ отамиз, дўстимиз ва устозимиз И. В. Сталин раҳбарлигида биз коммунизм сари олға бормоқдамиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мен Наманган райони ёшлари номидан кенгаш қатнашчиларини, ўртоқ Сталинни мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини қувватлашга чақираман.

Залда улуғ Сталин шарафига яна гулдурос қарсаклар ва табрик сўзлари янграйди.

Ўқитувчи Мавлонов, Наманган район ижроия комитети раисининг ўринбосари Исмоилова ва бошқа ўртоқлар СССР Олий Совети депутатлигига ўртоқ Сталинни номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифни якдиллик блан қувватладилар.

Сайловолди кенгаши гулдурос қарсаклар остида бир овздан резолюция қабул қилди. Резолюцияда ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини қувватланади.

Кенгаш қатнашчилари ўртоқ Сталинга баланд руҳ блан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Совет халқининг номзодлари

(Сайлов округларида)

РСФСР

ГОРЬКИЙ ОБЛАСТИ

Горькийдаги давлат электр станциясининг коллективи старший мастер **Прасковья Ивановна Мухинани** Дзержинский сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

МОЛОТОВ ОБЛАСТИ

Калинин номли шахта коллективи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони шахтёр **Алексей Николаевич Петряковни** Кизель сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

МУРМАНСК ОБЛАСТИ

«Всходи коммунизма» колхози а'золарининг йиғилиши ВКП(б) Мурманск область комитетининг секретари **Алексей Михайлович Кутиревни** Кандалакша сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

ОМСК ОБЛАСТИ

Омск машинасозлик заводининг коллективи заводнинг штамповщиги **Борис Васильевич Красенниковни** Омск-Молотов сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ

Перво-Уральскдаги Сталин номли Новотрубний заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи прокат мастери **Иван Николаевич Крапивинни** Перво-Уральск сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

ДОҒИСТОН АССР

«Дагестанские огни» ойна заводининг коллективи Доғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Салом Мухтадирович Айдинбековни** Дербент сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

ТАТАРИСТОН АССР

Янил МТСининг коллективи МТС директори **Самигулла Хисматуллович Валеевни** Кукмара сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

УКРАИНА ССР

Кировоград областидаги Александрийск шахтасининг коллективи кон мастери **Степан Филиппович Кожевниковни** Александрийск сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Полтава область, Чернухин районидаги «Червоний партизан» колхозининг а'золари Украина ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Алексей Григорьевич Ковальни** Пирятинский сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Хороль МТСининг механизаторлари ВКП(б) Полтава область комитетининг секретари **Василий Сергеевич Марковни** Лубен сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Кўклам экин кампаниясига большевикча тайёрланайлик!

ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ А'ЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

Хоразм область, Хонқа район, Олажа қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг а'золари (раиси ўртоқ Рўзи Йўлдошев) бу йил 300 гектар ерга чигит экадилар. Колхозчилар республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини муҳокама қилиб, бу йил ҳар гектар ердан ўтган йилги 14 центнер ўрнига, 26 центнердан пахта бериш мажбуриятини олдилар.

Ватанпарвар колхозчилар бу мажбуриятни бажариш учун кўкламга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. 226 гектар ер кузда шудгор қилинди. 100 гектар ерга маҳаллий ўғит солинди. Қишлоқ хўжалик асбоблари ремонт қилиб қўйилди. От, ҳўкизлар яхшилаб боқилмоқда.

Колхозчилар СССР Олий Советига сайловлар арафасида социалистик мусобақани кундан-кун қизитиб, кўкламга тайёргарлик ишларини энг узоғи блан 12 мартгача тугаллаш учун курашмоқдалар.

О. МАТЧОНОВ.

СТАЛИН НОМЛИ КОЛХОЗ МЎЛ ДАРОМАД ОЛДИ

Самарқанд область, Пахтакор район, Қорақалпоқ қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз (раиси Азимов, партия ташкилотининг секретари Болиев ўртоқлар) а'золари 1949 йилда фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар.

Колхоз бултур пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили олиб, пахта тайёрлаш планини оширибб бажарди. Колхоз ғалла тайёрлаш, пилла, қоракўл териси, чорва маҳсулотлари ва беда топшириш давлат планларини ҳамда 1949 йил учун белгиланган чорва моллари асраш планини ҳам тўла бажарди.

Колхоз 1949 йилда пахтачиликдан 3 миллион 424 минг сўм, пиллачиликдан 154 минг сўм, чорвачиликдан 177 минг сўм, бошқа экинлардан ҳам кўп миқдорда, жам'и 3 миллион 911.000 сўм даромад қилди. Бу, 1948 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Колхоз а'золари 1948 йилда ҳар бир меҳнат кунига 5 сўм пул олган бўлсалар, 1949 йилда 10 сўмдан пул, 2 килограммдан ғалла ва бошқа кўп нарсалар олдилар.

Колхозда фидокорона меҳнат қилган Ёрқул Норманов, Сафар Фармонов, Раҳим Ҳайдаров каби колхозчилар оила а'золари блан бирга 15—16 минг сўмдан пул, 3—4 тоннадан ғалла олдилар.

Колхоз а'золари республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатига жавобан, бу йил ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар. Пахта ерлари тўла шудгор қилинди, 85 тонна минерал ўғит ташиб келтирилди. Шудгорлаш олдидан ерга 380 тонна маҳаллий, 200 тонна минерал ўғит солинди. Колхозчилар сайловолди мусобақасини қизитиб, кўкламга пухта тайёрлик кўрмоқдалар.

Соли ХУЖАЕВ.

СССР Олий Советига сайловлар шарафига социалистик мусобақа тобора кучаймоқда. Илғор тракторчилар ремонт ишларини муддатидан илгари тугалламоқдалар. **Суратда:** (чапдан ўнгга) ремонт илғорлари — Сирдар'ё районидаги 1-нчи МТСнинг тракторчиси **Мамазиёд Хожибеков** ва Чиноз районидаги 2-нчи МТСнинг тракторчиси **Абдусалом Абдусатторов.**

Р. Қўчқор ва А. Ашкинезер фотоси, (УзТАГ фотохроникаси).

Андижон областида кўкламга тайёрлик кечикмоқда

(«Қизил Ўзбекистон»нинг область мухбиридан)

Андижон область партия комитетининг пленумида республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаати асосида тегишли тадбирлар белгиланган эди. Аммо областьда кўкламга тайёрлик кўриш, МТСларда трактор ремонтини тезлатиш, ирригация-мелиорация ишларини ўз вақтида бажариш ҳамон кечикмоқда.

Андижон районининг колхозларида далага маҳаллий ўғит чиқаришга э'тибор берилмаётир. Энди 10 процент ўғит далага чиқарилди. Хартум қишлоқ советидаги Охунбобоев номли, Хирабек қишлоқ советидаги «Коминтерн», Шўро қишлоқ советидаги Куйбишев номли ва бошқа колхозларнинг далаларида ҳечқандай иш қилинаётгани йўқ. Район бўйича 2.000 гектар ерда ғўзапоя йиғиб олинмаган. Ирригация-мелиорация ишлари икки ойлиги тамом бўлаётганига қарамай, районда бу ишнинг энди 25 проценти бажарилди. Ернинг захини кочириш ишида ҳар куни 6—7 минг киши ўрнига 1—1 ярим минг киши ишламоқда.

Областьнинг Ойим, Жалақудуқ, Хўжаобод районларида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Ойим районида ернинг захини қочириш катта аҳамиятга эга. Районда 128 минг кубометр тупроқ қазиш ишлари энди 25 процент бажарилди. Ҳар куни бу ишда 1.400 киши ўрнига 300 киши ишлаётир. Жалақудуқ районида аҳвол бундан ҳам ёмон. Район партия комитетининг секретари Мирзаахмедов, район ижроия комитетининг раиси Абдужабборов ўртоқлар кўкламга тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилмай қўйганлар. Районда ариқ-зовурлар қазишда шу кунларда 2.000 киши ишлаши керак эди, амалда эса бир киши ҳам ишлаётгани йўқ.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг раҳбарлари тракторларни ремонт қилишга э'тибор бермаётирлар. Бунинг натижасида трактор ремонти ҳаддан ташқари кечикаётир. Масалан, ўртоқ Краснов директорлик қилаётган Избоскан районидаги 1-нчи МТСни олайлик. Бу МТС колхозлар блан тузилган шартномани бирнеча йилдан бери бажармайди. МТСдаги 12 та СХТЗ тракторидан энди 2 таси ремонт қилинган. 17 «Универсал»нинг биттаси ҳам ремонтдан чиқарилмаган. Тракторчиларга яхши шароит туғдирилмаган. Улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар йўлга қўйилмаган. Ремонт учун керакли қисмлар етишмайди. Ҳайдов тракторлари сифатсиз ремонт қилинганлиги орқасида, ремонтдан чиққан тракторлар бузилиб қолмоқда.

Бундай аҳволни Холдевонбек районидаги МТСда (директори ўртоқ Каримов) ҳам кўриш мумкин. Бу ерда мавжуд тракторларнинг 80 проценти ҳали ремонт қилинмаган. Умуман, областьдаги МТСларда 10 февральгача трактор ремонтининг атиги 58 процент бажарилганлиги мана шундай аҳволлар натижасида юз берди. МТСларда плуг, сеялка, культиватор, чизель ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ҳам судралаётир. Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Молчанов областьда кўкламга тайёргарлик жуда ёмон аҳволда эканлигини, МТСларда трактор ремонти чидаб бўлмаслик даражада судралаётганини билса ҳам, доим идорада ўтириб буйруқлар ёзиш, сводкаларни кўздан кечириш блан қаноатланмоқда.

Андижон область партия комитети ва область ижроия комитети кўкламга тайёргарликда юз бераётган жиддий камчиликларни тезда тугатишлари, область қишлоқ хўжалик бошқармасидаги хотиржамлик кайфиятига кескин зарба беришлари керак.

А. ҲАМДАМ.

Ўтган йилги хатолар такрорланаётир

ФАРҒОНА. Областьнинг юқори ҳосилли Охунбобоев райони 3 йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажармай келади.

Район пахтакорлари бу доғни ювиш учун 1950 йилда ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

Олинган бу мажбуриятларни шараф блан бажариш ва Самарқанд область, Пастдарғом район пахтакорлари блан тузилган мусобақа шартларини амалга ошириш учун кўклам ер ҳайдаши ва экишга пухта тайёрланиш талаб этилади.

Аммо Охунбобоев районида кўкламга тайёргарлик ишлари ҳаддан ташқари суст бораётир. Районда кузги шудгор плани атиги 57 процент, ернинг шўрини ювиш ва яхоб бериш 20 процент, ариқ-зовурларни тозалаш 14 процент бажарилди, холос. Ҳозиргача 875 гектар ердаги ғўзапоя юлиб олинмагани кишини ажаблантиради.

Ба'зи колхоз раҳбарлари кўкламга тайёргарлик ишларини қасддан кейинга сурмоқдалар. Масалан, «Ўроқ болға» колхозининг раиси ўртоқ Болтабоев: «Вақт эрта, биз тайёргарлик ишларига киришсак, ҳаш-паш дегунча ишни тузатиб юборамиз, чигитни ҳам кўз юмиб-очгунча экиб ташлаймиз», дейди.

Колхозда далага маҳаллий ўғит чиқаришга, ариқ-зовурларни қазиш, иш ҳайвонларини боқувга қўйиш, қишлоқ хўжалик машина-асбобларини ремонт қилишга ҳали киришилган эмас. Бригада, звеноларга ер участкалари, қишлоқ хўжалик машина асбоблари, шунингдек одам кучлари тақсим қилиб берилмаган. Колхозда ер ва асбоб-ускуналар ҳисобга олиб чиқилмаган.

Бултур пахта тайёрлаш планини бажармаган Шаҳартепа қишлоқ советидаги Сталин номли, Шверник номли, «Намуна» колхозларида кўкламга тайёрлик ишлари жуда ҳам ўлда-жўлда. Бу колхозларда далага маҳаллий ўғит чиқариш, қўриқ очиш, ғўзапояларни йиғиштириш сингари ишларга киришилмаган. Бундай аҳвол райондаги кўпчилик колхозларда ҳукм сурадди. Шунинг учун ҳам район бўйича далага 135 минг тонна ўғит чиқариш лозим бўлгани ҳолда, ҳозиргача 12 минг 500 тонна ўғит чиқарилган, холос.

Ўзбекистон К(б)П Охунбобоев район комитети кўкламга тайёргарликни кучайтиришда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини ва коммунистларнинг ишларини текширмаётир. Район ижроия комитети ҳам кўкламга тайёргарлик ишларининг бажарилишини текширмайди. Район ижроия комитети район қишлоқ хўжалик бўлимининг, сув хўжалик идораси ва қишлоқ советларининг докладларини эшитмай келади.

Районда танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтирилмаган. Район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган V конференцияси ҳам буни қайд қилиб ўтди. Лекин район партия комитети, район ижроия комитети, район қишлоқ хўжалик бўлими, МТС раҳбарлари бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Райондаги 3 та МТСда трактор ремонтига йўл қўйилаётган камчиликларни битиришга ҳалигача ҳаракат қилинмаётир.

1-нчи МТС (директори ўртоқ Нуриддинов) тракторлар ремонтини ҳозиргача 26 процент, 2-нчи МТС (директори ўртоқ Чайко) 41 процент, 3-нчи МТС (директори ўртоқ Косянов) 19 процент бажарган. Ҳолбуки, бу МТС ларда тракторлар ремонтини 15 февральгача тугатиш учун ҳамма имконият бор эди. МТСларнинг директорлари тракторчилар ўртасида ишни яхши уюштирмадилар, социалистик мусобақани кучайтирмадилар.

Охунбобоев район партия, совет ташкилотлари ўтган йилги хатолардан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишлари ва кўкламга жиддий тайёрлик кўришлари лозим.

Х. ИКРОМОВ.
А. РАҲМАТОВ.
К. ПУЛОТ.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Марғилон ҳақиқати» газеталарининг рейд бригадаси.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Экиш олдидан ерни ишлаш тадбирлари

1950 йил кўкламининг алоҳида хусусияти шундаки, пахта ерларининг кўп қисмида асосий ишлар кўкламда ўтказилади. Бу эса кўклам дала ишларини бир мунча мураккаблаштиради ҳамда колхоз ва совхозлардан, ер органларидан, МТС ходимлари ва агрономлардан кўкламда ерларни чигит экишга сифатли қилиб тайёрлаш ишини уюшқоқлик ва оперативчилик блан ўтказишни талаб қилади.

Кузда бажарилмай қолган ишларни, ҳозирдаёқ, кўкламги дала ишлари бошлангунча тамомлаш, ерларнинг шўрини ювиш, талаб қилинган ерларни қўшимча суғориш зарур.

Сизот сувлари ер бетига яқин (2 метрча чуқурликда) жойланган ерларда, шағал қатлами яқин бўлган ҳамда шўри ювиладиган ерларда қўшимча суғориш ўтказилмайди. Кузда шудгор қилинмаган ерлар эски эгатлар бўйлаб, шудгор қилинган ерлар эса кузда очилган эгатлар бўйлаб қўшимча суғорилади.

Ер етилган пайтда тупроқнинг намини сақлаш учун қўшимча суғориш ўтказилган ҳамма ерларда борона босиш, сўнгра кузда шудгор қилинмаган ерларга маҳаллий ўғит солиш зарур.

Кўкламда ерни ҳайдаш олдидан маҳаллий ўғитлар блан бирга, минерал ўғитлар ҳам солинади. Азот солиш йиллик нормаси гектарига 75 килограммдан ошиқ бўлса, ўғит фақат ғўзанинг ўсиш даврида, фосфор кислотаси нормаси 75 килограммдан ошмаса, ҳайдаш олдидан солинади. Йиллик азот нормаси 75 килограммдан, фосфор кислотаси 75 килограммдан ортиқ бўлганда, азотнинг 25 проценти ва фосфор кислотасининг 75 проценти ҳайдаш олдидан, қолган қисми эса ўсиш даврида солинади. Асосан кўкламда ишланадиган барча ерлар ўз вақтида чимқирқарли плуг блан ҳайдалиши керак.

Кўкламда ерни мумкин қадар эрта ҳайдаш пахта ҳосилини оширишга ёрдам беради. Бироқ етилмаган ерларни ҳайдаш ярамайди. Чунки ерда палахсалар ҳосил бўлиб, чигит экишнинг сифатига ва ғўзанинг текис униб чиқишига ёмон та'сир қилади.

Далаларни плугга борона тиркаб ҳайдаш зарур. Борона тиркаб ҳайдалган ернинг устки қатлами бирмунча текисланади ва тупроқнинг намлиги яхши сақланади. Бундан ташқари, ҳайдаш тамом бўлгандан кейин, ерни албатта 1—2 йўла мустақил бороналаш зарур. Чунки экиш олдидан бороналанмаган ерларда тупроқ зичланиб, экишнинг сифати пасаяди ва бундай ерларни қўшимча суғориш талаб қилинади.

Кучли бўз тупроқ ерларни 25—28 сантиметр, ўтлоқ ва тўқай ерларни устки тоза қатлами чуқурлигида ҳайдаш зарур.

Академик В. Р. Вильямс экиш олдидан ерни ишлаш усуллари айрим колхоз ва совхоз учун умуман эмас, балки ҳарбир дала учун ва даланинг ҳарбир қисми учун алоҳида белгиланишини кераклигини та'кидлайди.

Сувли районларда кузда шудгор қилинган ерларни экиш олдидан ишлашда академик Вильямс тавсия этган усулдан, я'ни экиш олдидан ерни чигит экиладиган чуқурликда майда ва юза ишлаш усулидан фойдаланиш керак. Бу ҳолда асосан тупроқнинг устки қатлами 4—5 сантиметр чуқурликда ишланади.

Шўрхок ерларда кузги шудгорлашдан кейин ернинг шўри ювилганда тупроқни юмшатиш зарур бўлса, кузги шудгор сифатсиз ўтказилгани натижасида далани ўт босиб кетса ёки кўкламги ҳайдашдан кейин ёғингарчилик натижасида ер ўтириб қолса бундай ерлар экиш олдидан 16—18 сантиметр чуқурликда чизель блан юмшатилади, кетидан борона ва мола босилади. Шунингдек, кузда шудгор қилинган ерларни қўшимча суғориш натижасида тупроқ зичлашиб кетса, ер экиш олдидан 16—18 сантиметр чуқурликда чизелланиб мола босилади. Қўшимча суғорилган ерларни ўт босганда эса, экиш олдидан ерни қайта ҳайдаб, борона қилинади ва мола босилади. Бу усулда ерни экиш олдидан чизель блан юмшатиш қайта ҳайдашга қараганда фойдалироқдир. Чунки чизел блан юмшатилганда тупроқ намни сақлайди ва чигитнинг текис униб чиқиши учун қулай шароит яратилади.

Кузда сифатли шудгор қилинган, эрта кўкламда борона босилган ва босилмаган ҳамма ерларда ерни экиш олдидан борона ва мола блан ишлаш тавсия этилади.

Ерни экиш олдидан волохушка тиркалган борона блан юмшатиш айниқса яхши натижа беради.

Далада онда-сонда бегона ўтлар пайдо бўлганда эса, ерни экиш олдидан борона блан 4—5 сантиметр чуқурликда юмшатиб, кетидан мола босиш керак.

1950 йилнинг кўкламида чигит экиладиган ерларни экиш олдидан борона ва мола блан юмшатиш усулидан кенг фойдаланиб, пахта ҳосилини ошириш—муҳим вазифадир.

В. КОНДРАТЮК.
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Сайлов кампаниясида маҳаллий Советларнинг энг муҳим вазифаси

В. СОДИҚОВА
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун Совет мамлакати халқлари блан бирга шу йил 12 мартда бўладиган СССР Олий Советн сайловларига баланд руҳ блан тайёрланмоқдалар.

Сайлов кампанияси кундан-кун қизиб бормоқда. Сайлов округлари ва сайлов участкалари тузилиб бўлди, сайлов комиссиялари ишга киришди. Республикамизнинг энг узоқ бурчакларигача ҳамма жойда агитпунктлар ишлаб турипти. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари кенг активлар ёрдами блан сайловчилар рўйхатларини тузиб, бу рўйхатларни ҳамманинг ма'лумоти учун жойларга илиб қўйдилар.

Бутун Совет Иттифоқидагидек, Ўзбекистонда ҳам ғоят баланд руҳ ва якдиллик блан меҳнаткашларнинг сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда халқимиз СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатди. Ҳамма сайловолди йиғилишларида меҳнаткашлар самимий муҳаббат ва садоқат блан большевиклар партияси ва совет халқининг улуғ доҳийси ҳамда устози Иосиф Виссарионович Сталинни биринчи номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўзбек халқининг совет ҳокимияти йилларида эришган ажойиб муваффақиятлари меҳнаткашларнинг қадрдон ва севикли йўлбошчиси Иосиф Виссарионович Сталиннинг номи блан чамбарчас боғланган. Ўзбек халқи яқинда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 25 йиллигини байрам қилди. Бу шонли байрам ўзбек халқининг давлат, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган буюк тарихий ғалабаларига кўрик бўлди. Бу ғалабалар ленинча-сталинча миллий сиёсат принципларининг тантанасини ёрқин ифода қилади. Ўзбек халқининг фидокорона меҳнати, большевиклар партияси ва улуғ доҳиймиз ўртоқ Сталиннинг доно раҳбарлиги туфайли, улуғ рус халқининг қардошлик ёрдами блан Ўзбекистон илғор социалистик республикага, йирик саноат районига, совет мамлакатининг пахтачилик марказига, Шарқда социализмнинг қудратли қўрғонига айланди. Ўзбек халқи совет ҳокимияти йилларида шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни яратди. Ўзбекистон меҳнаткашлар оммасининг фаровонлиги мисли кўрилмаган даражада ошди.

Ўзбек халқи эришган муваффақиятлари, бахтиёр ҳаёти учун ўртоқ Сталинга қайта-қайта ташаккур изҳор қилиб, беҳисоб миннатдорчилигини билдиради.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг, шунингдек бутун совет халқининг сайловолди йиғилишлари улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз Иосиф Виссарионович Сталинга халқимизнинг самимий муҳаббатини ва чексиз миннатдорчилигини яна бир марта ёрқин намойиш қилди.

Меҳнаткашларнинг сайловолди йиғилишларида улуғ Сталиннинг содиқ сафдошлари — ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, партия ва ҳукумат раҳбарлари депутатликка номзод қилиб кўрсатилди. СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида совет халқининг энг яхши фарзандлари — саноат корхоналарининг донгдор стахановчилари, мўл ҳосил усталари, колхоз хўжалигининг исте'доди ташкилотчилари, совет интеллигенциясининг энг яхши намояндалари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бор. Ҳамма жойда бўлиб ўтган сайловолди округ кенгашлари депутатликка кўрсатилган номзодларни якдиллик блан қувватлаб, ўз округларидаги сайловчиларни коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирдилар, ишончли кишилар сайладилар. Тошкент-Ленин сайлов округининг сайловолди округ кенгаши улуғ Сталиннинг энг яқин сафдошлари ва шогирдларидан бири, отоқли давлат ва партия арбоби Лазарь Моисеевич Кагановичнинг номзод қилиб кўрсатилишини якдиллик блан қувватлади.

Ҳозир сайлов кампанияси энг мас'улиятли даврга кирди. Округ сайлов комиссиялари кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишга киришдилар. Шунинг учун навбатдаги энг муҳим вазифа — коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг номзодлари учун большевикча агитация олиб боришдан иборатдир.

Ўртоқ Сталин Москва шаҳар Сталин сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида 1946 йил 9 февральда сўзлаган нутқида коммунистлар блан партиясизлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганликларини уқдириб ўтди. «Партиясизлар блан коммунистлар шу бир коллективда яшаб, Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун бирга курашдилар, фронтларда Ватанимизнинг озодлиги ва шон-шавкати учун бирга жанг қилдилар ва қон тўкдилар, мамлакатимиз душманларини енгиш учун курашдилар ва енгиб чиқдилар».

СССР Олий Советининг аввалги сайловларидан буён ўтган 4 йил урушдан кейинги сталинча бешйилликни муддатидан илгари бажариш учун кураш йиллари бўлди. Бу давр ичида большевиклар партияси халқ блан янада кўпроқ иноқлашди, кенг халқ оммаси ўртасидаги обрўси янада ошди. Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари жонажон, севикли коммунистлар партияси атрофида янада маҳкамроқ жипслашдилар. Коммунистлар партияси совет халқини коммунизм тантанасига олиб борувчи етакчи раҳбар кучдир.

Ҳозирги сайловларда коммунистлар блан партиясизларнинг сталинча блоки яна ўзининг қудратли кучини, монолит бирлигини намойиш қилмоқда.

Совет сайловлари халқни сиёсий жиҳатдан тарбиялайдиган большевикча мактабдир. Кенг меҳнаткашлар оммаси сайлов кампаниясидаги вазифаларни бажаришда Советларнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилади. Маҳаллий Советларнинг энг муҳим вазифаси—партия ташкилотлари раҳбарлиги остида меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини ва меҳнат соҳасидаги ташаббусини янада оширишдан, хўжалик ҳамда маданий қурилиш ишларидаги амалий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишдан иборатдир.

Шаҳарлардаги маҳаллий Советлар корхоналарнинг, айниқса маҳаллий саноат корхоналарининг ишлабчиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажаришларига, уй-жой қурилишини кенгайтириш ва тезлатишга, кенг меҳнаткашлар оммасига хизмат қилаётган корхона ва муассасаларнинг ишини яхшилашга эришишлари керак. Қишлоқ жойлардаги маҳаллий Советлар барча колхозчиларни, МТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, қишлоқдаги барча меҳнаткашларни кўкламга намунали тайёргарлик кўришга жалб қилмоқлари керак. Кўклам экин кампаниясига намунали тайёргарлик кўриш—пахта ва бошқа экинлар юзасидан давлат топшириқларини муваффақият блан ошириб бажаришда энг муҳим шартдир. Маҳаллий Советларнинг депутатлари, район ижроия комитетларининг раҳбарлари, қишлоқдаги ҳамма совет активлари пахта учун кураш соҳасидаги мажбуриятларни ва олдимизда турган вазифаларни оммага кенг тушунтиришда яқиндан иштирок қилишлари, давлат интизомини ҳартарафлама мустаҳкамлашлари лозим.

Сайлов кампанияси колхозларда жуда муҳим ташкилий-оммавий тадбирларни—ҳисобот сайлов йиғилишларини ўтказиш вақтига тўғри келди. Маҳаллий Советлар колхоз правлениеларининг ишини чуқур ва ҳартарафлама таҳлил қилишда колхозчиларга ёрдам беришлари, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш асосида колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб беришлари керак.

Ижроия комитетлари ва уларга қарашли бўлимларнинг раҳбарлари колхозлардаги хўжалик ва ташкилий масалалар блан яқиндан шуғулланиб, кўп сонли совет активларини сафарбар қилган, уларни колхоз хўжалигида янги муваффақиятлар учун курашга жалб қилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтда сайлов участкалари биноларини жиҳозлаш ва ускуналашга алоҳида э'тибор бериш керак. Бирқанча мисоллар республикамизнинг айрим жойларида бу иш ҳали кўнгилдагидек бўлмаганлигини кўрсатади. Сайлов участкалари учун ажратилган кўпгина биноларни тезликда ремонт қилиш, яхши жиҳозлаш талаб қилинади.

Сайловчилар рўйхатини текширишга катта э'тибор берилиши керак. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва рўйхат тузилган вақтда мазкур Совет территориясида турган ҳамма гражданларнинг рўйхатга киргизилишини, аниқланган нотўғриликларнинг ўз вақтида тузатилишини та'мин этишлари керак. Ижроия комитетларнинг ходимлари то сайлов кунигача сайловчилар рўйхатлари блан доим шуғулланишлари, ҳовлима-ҳовли юриб текшириб чиқишлари, хонадон ва уй дафтарларида тартиб ўрнатишлари керак.

Ҳамма тайёргарлик ишлари «СССР Олий Совети сайловлари тўғрисида Низом»га мувофиқ, сайлов қонуни мэдаларига тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилиши зарур. Бу муҳим сиёсий кампанияда қатнашувчи ҳарбир ходим шуни яхши эсда тутиши керакки, сайловга тайёргарликда ҳечқандай «майда» иш йўқ, бу ишдаги ҳарбир масала катта аҳамиятга эгадир. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари активларни жой-жойига тўғри тақсимлаб, ҳар куни уларга тинмай раҳбарлик қилиб туришлари лозим.

Касаба союзлари большевиклар партиясининг сиёсатини тўғри амалга оширувчи оммавий ташкилотлардан биридир. Касаба союзлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, урушдан кейинги сталинча бешйилликни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириш юзасидан ғоят катта оммавий-тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Совет касаба союзлари ихтиёрида катта имкониятлар—клублар, маданият уйлари, қизил бурчаклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари бор. Сайлов кампанияси даврида ана шу имкониятлардан тўла фойдаланиш зарур.

СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик кўришда комсомол ташкилотлари, барча совет ёшлари маҳаллий Советларга катта ёрдам бераоладилар. Сайловчилар рўйхатларини текширишда, сайлов участкалари биноларини ускуналаш ва жиҳозлашда актив иштирок қилишлари лозим.

Кенг меҳнаткашлар оммасини тайёргарлик ишларида ва сайловни ўтказишда актив қатнаштириш маҳаллий Советларнинг энг муҳим вазифасидир. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари тайёргарлик ишларидаги камчиликларни большевикча очиб ташлаб, партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида сайлов кампанияси блан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни муваффақиятли ҳал этишга эришишлари керак.

Маҳаллий Советлар ва активларнинг пухта, яхши ишлаши сайловларни большевикча уюшқоқлик блан ўтказишга, коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг ғалаба қозонишига, совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ УЧУН!» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА

Америка Қўшма Штатларининг империалистлари Осиёда жосуслик ишлари учун Тито тўдасидан фойдаланмоқдалар

Будапешт ва Софияда суд мажлислари ўтказилиши натижасида америка ва инглиз империалистлари урушдан кейинги даврда Европада яна бир катта мағлубиятга учрадилар. Империалистларнинг халқ демократияси мамлакатларига нисбатан тузган планлари барбод бўлди ва ана шу мамлакатлардаги бевосита агентлари фош қилинди, шу блан бирга инглиз-америка империалистларининг қўпоручилик ва жосуслик ишларининг ғоят ниқобланган резервлари—Тито, Кардель, Джилас, Ранкович галаси тамомила фош қилиб ташланди. Шунинг учун ҳам бу мағлубият улар учун катта зарба бўлди.

Америка Қўшма Штатлари ва Англия ҳукуматлари фош қилиниб шармандаси чиққан Тито галасини очиқдан-очиқ ўз ҳимояларига олдилар. Бу ҳол империалистларнинг ғоят қабиҳ мақсадларни кўзда тутган махфий планларига нечоғлик қаттиқ зарба берилганлигини яққол кўрсатади.

Халқ демократияси мамлакатларида империалистларнинг асосий режалари барбод бўлди. Аммо империалистлар бу блан тинчиб қолмадилар. Тито, Кардель ва шулар сингари иғвогар агентлар бирор жойда муваффақиятсизликка учраган бўлсалар, улардан бошқа жойда фойдаланиш керак бўлиб қолди.

Тито галаси Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг кўрсатмасига ва Франция, Италия, Швейцария ҳукуматлари, шунингдек бошқа ба'зи мамлакатлар ҳукуматлари ва полиция бошлиқларининг бевосита ёрдами блан ўз элчихоналари орқали (бу элчихоналар ўзлари ишлаб турган давлатларнинг полиция аппарати блан маҳкам боғланганлар) мазкур мамлакатлардаги коммунистик партияларга қарши қўпоручилик ишларини кучайтиришга урундилар, компартияларни, демократик ташкилотларни ичидан туриб бузиш ва коммунизмга ҳамда советларга қарши пропаганда олиб бориш учун ана шу компартиялар ва демократик ташкилотларнинг сафига суқулиб кириб олмоқчи бўлдилар. Франция, Италия ва бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг Югославия элчихоналари томонидан бажарилаётган ишларга сра аямай пул сарф қилаётганликларига қарамай, бу сафар ҳам Тито галаси ўз хўжайинлари блан бирга шарманда бўлди, коммунистлар Тито тўдасини ўз вақтида фош қилдилар. Бу тўда жиддий мағлубиятга учради.

Аммо инглиз-америка империалистлари тинчимаётирлар. Франция ва Италияда Тито тўдасидан фойдаланиш иложи бўлмаган экан, Европанинг бошқа мамлакатларида иш кўнгилдагидек бормаётган экан, бу тўдадан Узоқ Шарқ ва Осиё мамлакатларида коммунизмга қарши қўпоручилик ишлари учун фойдаланишнинг иложини топиб бўлмайдими?

Америка ва инглиз империалистлари Хитойда қаттиқ мағлубиятга учрадилар, француз империалистлари Вьетнамда енгилдилар, инглиз империалистлари Малайяда мағлубиятга учрамоқдалар. Ҳиндистон халқлари миллий озодлик йўлида қат'ий кураш олиб бориш учун отланмоқдалар.

Империалистлар мустамлака ва қарам мамлакатлардаги ҳурриятпарвар халқларга қарши курашнинг янгидан-янги планларини тузмоқдалар. Империалистлар тажовузкорликдан иборат Тинч океан аҳдини тайёрлаш блан бирга Осиё мамлакатларидаги революцион ҳаракатни ичидан бузиш учун жуда кўп агентларга муҳтож бўлмоқдалар. Инглиз-америка империалистлари Осиё мамлакатларидаги халқ-озодлик ҳаракатининг чинакам йўлбошчисига қарши, я'ни коммунистик партияларга қарши асосий зарбани беришга интилмоқдалар.

Ана шунинг учун ҳам Америка Қўшма Штатларининг давлат департаменти ўзининг «коммунистик» агентураси — Тито тўдасини яна эсга олиб қолди. Дарҳақиқат, инглиз ва америка ҳукуматларининг буржуа сиёсатдонлари ҳатто инглиз лейбористлари ва Франциядаги ўнг социалистлар каби ўзларини «социалистлар» деб атаётган бўлсалар ҳам, империалистлар сифатида, миллий-озодлик душманлари сифатида бутунлай фош қилдилар.

Тито тўдасига келганда аҳвол бошқача: бу тўданинг Югославия «коммунистик» партияси бор, унинг «социалистик» ҳукумати бор. Бу ҳукумат ҳатто «социализм қурмоқда». Осиё мамлакатларидаги компартиялар Европа ишларидан узоқда турмоқдалар ва Осиё мамлакатларининг компартиялари ҳамда меҳнаткашлари Тито тўдасининг Европа мамлакатларидаги компартияларга қарши олиб бораётган антикоммунистик, контрреволюцион курашидан, Тито тўдасининг СССРга ва халқ демократияси мамлакатларига қарши олиб бораётган қабиҳ курашидан эҳтимол хабарсиздирлар деб ўйлаб, империалистлар Тито тўдасидан Осиё мамлакатларидаги коммунистик партияларга ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашиш мақсадида фойдаланиб келмоқдалар.

Инглиз-америка империалистлари Осиё мамлакатларида Тито тўдасидан фойдаланиш ҳақида худди шундай қарорга келдилар.

Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг топшируvига биноан, ҳозирги вақтда Белградда Осиё мамлакатларидаги компартияларга қарши курашиш учун, бу мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракатига путур етказиш учун антикоммунистик югослав марказини вужудга келтириш плани тузилганлиги жуда аёндир.

Бу марказни Ҳиндистонда тузмоқчи бўлдилар. Ана шу инглиз-америка антикоммунистик марказининг ролини Югославиянинг Деҳлидаги элчихонаси бажаради.

Инглиз-америкалилар, титочилар қўл остидаги ана шу жосуслик-қўпоручилик марказининг асосий фаолияти Ҳиндистон, Вьетнам, Малайя, Индонезия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги компартияларда ўз агентларини жойлаштиришга қаратилган.

Бу марказ коммунизмга ва советларга қарши пропаганда юргизади, иккиланувчиларни ва хоинларни жосуслик-қўпоручилик ишларига жалб этади, компартиялардаги ва ишчилар синфи сафидаги пролетар интернационализмининг мустаҳкам an'аналарига путур етказиш учун урунади.

Ҳиндистонда тузилаётган югослав фашистлар маркази фашизм мафкурасини ниқобли шаклда пропаганда қилишга интилади.

Деҳлидаги Белград элчихонаси югослав фашистларининг марказидир. Бу марказ инглиз-америкалиларнинг жосуслик марказидир. Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги югослав элчихоналари ва миссиялари эса ана шу жосуслик марказининг бўлимларидир. Ана шу марказ ва унинг бўлимлари Вашингтон ва Лондоннинг топшириқларига мувофиқ Осиё мамлакатларидаги коммунистик партияларга қарши ва халқ-озодлик ҳаракатига қарши қўпоручилик ишларини олиб борадилар, Америка ва Англия разведкалари учун жосуслик ма'лумотларини тўплайдилар.

Хитой, Япония, Вьетнам, Ҳиндистон, Бирмадаги ва Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги коммунистик партиялар ва ишчи партиялар, халқ-революцион ташкилотлари сиёсий жиҳатдан ғоят етилган ва инглиз-америка империалистларига қарашли ҳарқандай агентларни фош қилишда кўп тажриба тўплагандирлар. Улар Осиё мамлакатлари халқларини эзувчи империалистларнинг қабиҳ агентлари ролини бажараётган югослав фашистларига бу сафар ҳам қақшатғич зарба берадилар.

Тито тўдаси вакиллари инглиз-америкалиларнинг фашист агентларидирлар. Осиё мамлакатларидаги коммунистик партиялар ана шу фашист агентларга қарши курашда пролетар интернационализми байроғини яна баланд кўтарадилар, ишчилар синфи ва меҳнаткашлар коммунистик партиялар теварагига янада маҳкам жипслашадилар ва инглиз-америка империалистларига янада қақшатғич зарба берадилар.

СССР бошчилигидаги тинчлик, демократия ва социализмнинг халқаро фронти уруш ва империализм лагери устидан янгидан-янги ғалабаларга эришади.

(«МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ УЧУН»! газетасининг 5 (65)-нчи сонидан).

Маньчжурияда япон империалистларининг қонли ёвузликлари

ПИНФАНЬДАГИ «АЖАЛ МАРКАЗИ» ТЎҒРИСИДА ХИТОЙ МУХБИРИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ПЕКИН, 14 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги Харбиндан 20 километр жанубдаги Пинфаньни яқинда бориб кўрган махсус мухбирининг Харбиндан берган хабарини билдирди. Япон босқинчилар бактериология уруши олиб бориш учун иккинчи жаҳон уруши вақтида бу ерда ажал бактериялари урчитадиган катта марказ ташкил қилганлар. Яқинда Хабаровскда бўлган суд вақтида япон ҳарбий жиноятчилари Пинфаньдаги марказ ҳақида гапирган эдилар.

Мухбир бундай деб ёзади:

1945 йилда Совет Армиясининг ҳужуми олдидан қочиб кетган японлар томонидан тамомила вайрон қилинган бу марказ Пинфань темир йўл станциясидан 5 километр шимолдаги чўл-биёбонда жойлашган. Ажал маркази бир метрча чуқурликда хандақ ва икки метр баландликдаги тупроқ қўрғон блан қуршаб олинган.

Ажал бактериялари урчитувчи марказ тор изли темир йўл ва тош йўллари бўлган бутун бир шаҳардан иборатдир. Электр станция, лаборатория ва бактериялар урчитилган бинолар тамомила бузиб ташланган. Илгариги лаборатория биносининг харобалари остида бактерия блан тўлдирилган бомба парчалари бор. Марказ территориясининг шарқий қисмида бир метр баландликда цемент девор блан қуршаб олинган бинолар жойлашган. Мен,—дейди мухбир,—қўрғони кураганимда, харобалар орасидан каламушлар учун қўйилган сим қафасларни топдим. Бу ерда вабо бактериялари урчитилган.

Мен яқин атрофдаги қишлоқларда яшовчи деҳқонлар блан суҳбатлашганимда, улар бактериялар урчитиладиган марказ «тақиқланган зона» деб э'лон қилинганлигини айтдилар. Бу ерга бирон киши яқин келадиган бўлса, японлар уни отиб ташлар эдилар. Тупроқ қўрғон орқасида нима бўлаётганлигини маҳаллий аҳолидан ҳечким билмаган, чунки бу ерга келтирилган ишчилар ажал марказидан ҳеч қачон тирик чиқмаган. Японлар бу ишчиларни узоқ жойлардан келтирганлар. Деҳқонларнинг айтишича, ажал маркази ишга киришган вақтдан бошлаб японлар бутун-бутун составда жуда кўп от, хачир, ҳўкиз, қўй ва туялар келтирганлар. Атрофдаги деҳқонлар ажал марказига ҳайвонлар келтирилганлигини кўрсалар ҳам, мазкур ҳайвонларнинг у ердан чиқарилганлигини ҳеч қачон кўрмаганлар.

Деҳқон Ли Жи-сянь бундай деди: бу марказда ишлаш учун японлар томонидан келтирилган юзлаб ишчилардан бири бўлган ғишт терувчи Чень Ю «тақиқланган зона»дан қочиб кетишга муваффақ бўлган. Бу ғишт терувчи ишчи Ли Жи-сяньга қуйидагиларни айтган: «300 дан ортиқ ишчини, шу жумладан мени ҳам, аёрлик блан бактериология лабораторияси қурилишига олиб келдилар. Ҳар куни бирнеча ўнлаб ишчи ғойиб бўларди. Агар бу марказда қолсам, менинг ҳам ҳалок бўлишим муқаррар эди».

Японлар томонидан сафарбар қилиниб, тупроқ қўрғон ичида ишлаган деҳқон Фу Чин-цзи қуйидагиларни сўзлаб берди: марказнинг шарқий қисмида узун мўрили кичик бино бор эди. Унинг мўрисидан доим сариқ тутун чиқиб турарди. Шамол бўлган кунларда бундан одамнинг кўнглини айнитадиган ёмон ҳид келарди. Бу кичик бино,—дейди мухбир,—ҳозир хароб қилинган, аммо мўриси сақланган. Одамларнинг ўлиги куйдирилган ярим хароба ҳолидаги ғишт печьларни ҳали ҳам кўриш мумкин.

Марказдан бирнеча километр жанубда аэродром жойлашган. Япон аэропланлари бактерия блан тўлдирилган бомбаларни ташлаш учун шу ердан парвоз қилганлар. Аэродромдаги ҳамма нарса вайрон қилинган. Японлар 1945 йилда Пинфаньдан қочиб кетиш олдидан жуда кўп каламушларни чиқариб юборганлар. Натижада вабо касали бошланиб, 1946 йилда яқин атрофдаги қишлоқларда яшовчи кўп аҳоли қирилиб кетган. Японлар қочиб кетиш олдидан бу марказдаги 500—600 хитой ишчисини пулемётдан отганлар.

АНГЛИЯДА САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ

ЛОНДОН, 14 февраль. (ТАСС). Англия парламентининг галдаги сайловларида номзодлар кўрсатиш 13 февральда тугади. Газеталарнинг уқдириб ўтишича, ҳозир сайлов округлари ўтган 1945 йилдаги сайлов вақтидагига қараганда кам (640 ўрнига 625) бўлса ҳам, бу гал ҳарқачондагига қараганда кўпроқ номзод кўрсатилган.

Газеталарда номзодларнинг сайловолди нутқлари ҳақида хабарлар босилмоқда. «Дейли уоркер» газетасининг ёзишича, бош министр Эттли Гринокда (Шотландия) нутқ сўзлаган. Эттли нутқ сўзлаган бино олдида лейбористлар ҳукуматининг сиёсатига қарши намойиш ўтказилган. Намойишчилар «Атом бомбаси тақиқлансин», «Атлантик аҳд —уруш аҳди», «Уй-жойлар кўпайтирилсин, ижара ҳақи камайтирилсин», «Ишҳақи оширилсин, нарх-наво камайтирилсин» деган шиорлар ёзилган плакатлар кўтариб чиққанлар.

ШЕЦИНДА ФРАНЦУЗ ЖОСУСЛАРИНИНГ ИШИ ЮЗАСИДАН ҲУКМ

ВАРШАВА, 14 февраль. (ТАСС). Шецин шаҳридаги ҳарбий суд бугун бир гуруҳ француз жосусларининг иши устидан ҳукм чиқарди.

Суд жиноятчиларни айбдор деб топди ва Андре Робинони 12 йил қамоқ жазосига, Гастон Друэни 10 йил қамоқ жазосига, Климчакни ўлим жазосига, Стефан Пелацкийни умрбод қамоқ жазосига, Збигнев Борковскийни 15 йил қамоқ жазосига ва Казимир Рахтанни 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

ФИНЛЯНДИЯ СЕЙМИ БИНОСИНИ ПОРТЛАТИШГА УРУНИШ

ХЕЛЬСИНКИ, 14 февраль. (ТАСС). Газеталарда босилган хабарларга қараганда, 14 февральга ўтар кечаси Финляндия сейми биносини портлатмоқчи бўлганлар. Сеймга кирадиган катта дарвоза ёнида юз берган портлаш натижасида эшик ва бирнеча дераза синган.

Жанубий Қурия деҳқонлари Қурияни бирлаштириш учун курашмоқдалар

ПХЕНЬЯН, 14 февраль. (ТАСС). Қурия марказий телеграф агентлиги билдиради: «Нориондзя» газетаси Жанубий Қурия Деҳқонлар союзи Марказий комитетининг мурожаатини э'лон қилди. Деҳқонлар союзининг Марказий комитети Бирлашган демократик ватан фронти (ЕДОВ) Марказий комитетининг мурожаатини муҳокама қилиб, Жанубий Қуриядаги барча деҳқонларни мазкур мурожаатни қувватлашга, мамлакатни бирлаштириш учун янада кўпроқ ғайрат блан курашишга, партизан ҳаракатини ҳартарафлама қувватлашга чақирди.

Дениб уездидаги (Шимолий Чолла вилояти) кўпгина қишлоқларнинг деҳқонлари бу чақириққа жавобан партизанларга моддий ёрдам бериш мақсадида махсус комитетлар тузмоқдалар. Деҳқонлар партизанлар учун озиқ-овқат ва кийим-кечак тўплаш ўнкунлиги э'лон қилдилар.

Жанубий Қурия деҳқонлари орасида Ли Син Ман қўғирчоқ усул идорасига қарши кураш, дарҳол ер ислоҳоти ўтказиш учун кураш ҳаракати кенгаймоқда. Яқинда Дамян уездидаги (Жанубий Чолла вилояти) 700 деҳқон партизанлар ёрдами блан қўзғолон кўтариб, ватанга хиёнат қилган бирқанча катта ер эгаларидан ўч олдилар. Қўзғолончилар деҳқонларнинг митингларини ўтказдилар. Бу митингларда дарҳол ер ислоҳоти ўтказишга қарор қилинди.

Чендю уездида (Шимолий Чунчен вилояти) ва Жанубий Қуриянинг бошқа районларида ҳам деҳқонларнинг кучли ҳуружлари бўлди.

Америка империалистларининг Осиё халқларига қарши қаратилган фитнаси

ДЕҲЛИ, 14 февраль. (ТАСС). Кеча Бангкокда (Таиланд) Узоқ Шарқ ва Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларидаги америка дипломатия вакилларининг кенгаши очилди. Кенгашда Америка Қўшма Штатларининг элчи мансабидаги вакили Ф. Жессеп раислик қилмоқда ва Америка Қўшма Штатлари давлат секретарининг ёрдамчиси Баттерворт қатнашмоқда.

Кенгаш махфий суратда ўтмоқда. Франс Пресс агентлигининг Бангкокдаги мухбири берган хабарга қараганда, кенгашнинг биринчи мажлисида америка дипломатия миссиялари бошлиқларининг ўзлари вакил бўлган мамлакатлардаги аҳвол ҳақида докладлари эшитилган.

Матбуотнинг уқдириб ўтишича, Бангкокдаги кенгаш Америка Қўшма Штатлари ҳукмрон доираларининг Шарқий-Жанубий Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларидаги ҳамма тескаричи ва қўғирчоқ усул идораларни мазкур мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик ҳаракатига қарши курашиш учун бирлаштиришга қарор берганликлари муносабати блан чақирилган. Жессеп Бангкокда чақирилган матбуот конференциясида гапириб, Америка Қўшма Штатлари «Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳарбир маҳаллий иттифоқни ма'қуллайди» деди, шу блан у Узоқ Шарқда ҳам тажовузкорликдан иборат Атлантик шартномасига ўхшаш шартнома тузиш зарурлигини имо қилиб ўтди.

ГААГА, 14 февраль. (ТАСС). Голландияда чиқадиган газеталар Америка манба'ларидан олинган хабарларга асосланиб ёзадилар: Трумэн ва Америка Қўшма Штатлари давлат департаменти Индонезия Қўшма Штатларига, шунингдек Бао Дайга, Бирма ва Таиланд ҳукуматларига қурол-яроғ етказиб бериш планини тайёрламоқдалар. Трумэн бу масала тўғрисида Узоқ Шарқдан Америка Қўшма Штатларига қайтиб келган америка штабларининг бошлиқлари блан суҳбат қилган.

Пойтахтимизда

Ўзбекистон китоб савдоси идораси СССР Олий Совети сайловларига бағишланган китобларни сотмоқда. Суратда: Тошкент шаҳрининг Карл Маркс кўчасидаги магазинда.

И. Глауберзон фотоси.

Намунали кино-театр

Пойтахтдаги саноат корхоналари, муассаса, ташкилотлар ва ўқув юртларидан жуда кўпчилигига ҳар куни бирнеча марта телефон қоқилади:

— Алло, «Искра» кино-театридан гапирамиз. «Берлиннинг таслим бўлиши» фильмини олдик, эртадан кўрсата бошлаймиз, ишчиларнинг коллектив бўлиб тамоша қилишларини илтимос қиламиз, кассиримизни заводингизга юбордик».

Бу кино-театрда янги фильм кўрсатилиши муносабати блан кўриладиган тадбир эмас. Кино-театр ма'мурияти ҳар куни телефон орқали шаҳардаги ташкилотлар блан алоқа қилади, жойларга кассирларни юборади.

Кино-театрда тамошабинга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Залда қироатхона, махсус оркестр зали, буфетлар бор.

Тошкентнинг марказидаги «Искра» кино-театри тамошабинларга хизмат кўрсатишда намунали ишлаши блан машҳур. Кино-театр ўтган йил ўтказилган Бутун Иттифоқ кўригида биринчи ўринни эгаллади ва иккинчи мукофотни олишга сазовор бўлди. Кино-театр СССР Кинематография министрлиги ва ВЦСПСнинг ёрлиғи блан мукофотланди.

«Берлиннинг таслим бўлиши» фильми ўзбек тилида

Тошкентдаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудияси «Берлиннинг таслим бўлиши» фильмининг биринчи сериясини ўзбек тилига таржима қилишга киришди.

Фильм республика экранларида 1950 йил 12 март—сайлов кунида ўзбек тилида кўрсатилади.

Касаба союз техника кабинети

Тошкентда, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ҳузурида, касаба союз техника кабинети ташкил этилди. Кабинетда сиёсий ишларга, касаба союз ишлари, техника ва методика масалаларига доир адабиётлар бор. Техника кабинети республика касаба союз ташкилотларининг иш тажрибаларини, илғор корхона, цех ва а'ло сифатчи бригадалар ҳамда айрим новаторларнинг бой тажрибаларини кенг равишда оммалаштириш юзасидан амалий иш олиб боради.

Алоқа ходимлари тайёрлаш республикалараро курси

СССР Алоқа министрлиги Тошкентдаги алоқачилар техникумида Ўрта Осиё республикалараро бир йиллик курс очади. Курс почта, телеграф, телефон, радио алоқалари район конторалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари вазифасида ишлаш учун ходимлар тайёрлайди.

60 халқнинг ашула ва рақслари

Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофотининг лауреати Тамарахоним янги программада концертлар берди.

Тамарахоним «Сталин ва Мао Цзе-дун ҳақида қўшиқ» деган хитой халқ ашуласини биринчи марта маҳорат блан ижро этди. Шунингдек, Тамарахоним латиш, эстон, литва халқ ашулаларини ҳам ижро этди. Унинг репертуарида СССРдаги 60 дан ортиқ халқларнинг қўшиқ ва рақси бор.

Тамарахоним ўзбек халқининг бирқанча янги ашулалари ва совет композиторларидан М. Бурхоновнинг «Гўзал Фарғона», К. Жабборовнинг «Лолахон» ва бошқа асарларини ҳам ижро этди.

158 янги спектакль

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Сан'ат ишлари бошқармасининг коллегияси 1950 йил учун республика театрларининг репертуар планини тасдиқлади.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драм театрининг ижодий коллективи Абдулла Қаҳҳорнинг пахтачиликни ривожлантириш сталинча планини муваффақиятли бажариш ва янги ерларни ўзлаштиришга бағишланган «Янги ерлар», Мирзакалон Исмоилий ва Жовод Обидовнинг Ўзбекистон совет зиёлилари ҳақидаги «Кенг майдонлар» асарларини саҳнага қўяди. Шунингдек, театр тожик драматурги Ғ. Абдуллаевнинг шарқ мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг озодлик учун курашини ҳикоя қилувчи «Тонг олдида» асарини ҳам тамошабинларга кўрсатади.

М. Горький номли рус драм театрининг коллективи М. Горькийнинг драматик асарларини ҳамда М. Мелькумов ва П. Алексеевларнинг «Президентнинг соқчиси» асарини тамошабинларга кўрсатади.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг саҳнага қўядиган асарлари орасида Чайковскийнинг «Оққув кўли», Н. Римский-Корсаковнинг «Садко», Озарбайжон композитори У. Гажибековнинг «Гўр ўғли» операси (ўзбек тилида), украин композитори Г. Жуковскийнинг «Бутун қалбдан» опералари, А. Хачатуряннинг «Гаянэ» балети ва бошқа асарлар бор.

«Шахтёр» спорт жамияти

Ўзбекистон кўмир саноати ходимлари касаба союзининг республика комитети ҳузурида «Шахтёр» номли янги кўнгилли спорт жамияти тузилди. «Шахтёр» жамияти кўмир саноатидаги барча спорт ва физкультура коллективларини бирлаштиради.

Мас'ул муҳаррир: Ҳ. ҒУЛОМОВ.

„ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН" газетасига 1950 ЙИЛ УЧУН обуна қабул қилиш давом этдирилади

Обуна қуйидаги жойларда: Тошкент шаҳрида — «Союзпечать»нинг шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), жойларда — «Союзпечать»нинг ҳамма область ва шаҳар бўлимларида, алоқа контораларида ва почта бўлимларида қабул қилинади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 11 ва кундуз 2 да рангдор фильм Янги Чехословакия, қолган сеансларда Тайгали йигит.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — бугун ва ҳар куни катта цирк тамошалари ва арбитр П. П. Бредихин раҳбарлигида классик курашлар. Ўйин ораларида — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист П. Боровиков қатнашади. Тамоша кеч соат 9 да, кураш — кеч соат 10—45 минутда бошланади.

«РОДИНА», «НАВОИЙ», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРЛАРИДА

БЕРЛИННИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИ

деган янги бадиий фильмнинг 2-нчи серияси кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ ТОРМОҚЛАРИ ДИРЕКЦИЯСИ ва Алоқа министрлигининг область конторалари ҳузуридаги филиаллари колхоз, совхоз ва МТСларда РАДИОУЗЕЛЛАРНИ ВА ТОРМОҚЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ҚАЙТАДАН ҚУРИШ УЧУН ЗАЯВКА ҚАБУЛ ҚИЛАДИЛАР

Заявкалар қуйидаги жойларда: Тошкент областида — Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 17-нчи уйда, область марказларида — Радиотрансляция тормоқлари дирекциясининг филиалларида қабул қилинади.

Шу ишлар учун шартномалар СССР Ҳукумати ҳузуридаги Колхоз ишлари Советидан намуна лойиҳалар келгандан кейин тузилади.

Заявка бериш учун охирги муддат —1950 йил 1 мартгача.

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

13-НЧИ ЮТУҚЛАР ЎЙИНИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу заёмнинг 13-нчи ютуқлар ўйини 1950 йил 30 январьда Сталино шаҳрида бўлиб ўтди.

Ютуқлар серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)
000028	1—50	400	026415	41*)	5 000	051907	09*)	5 000	076147	1—50	400
000613	08*)	5 000	028671	03*)	5 000	052001	27*)	50 000	077361	08*)	5 000
000915	34*)	5 000	030704	1—50	400	053327	1—50	400	077434	27*)	50 000
001194	16*)	10 000	031841	03*)	10 000	053523	37*)	5 000	077487	15*)	5 000
002466	40*)	10 000	032536	1—50	1 000	054301	1—50	400	077573	1—50	400
002684	13*)	10 000	032990	32*)	5 000	054479	1—50	400	077601	1—50	400
004199	50*)	5 000	032995	22*)	10 000	054865	1—50	1 000	079828	46*)	5 000
004979	46*)	10 000	033017	39*)	5 000	057063	08*)	10 000	081142	1—50	400
006057	1—50	400	033351	15*)	5 000	058169	1—50	400	081277	11*)	10 000
007649	1—50	1 000	033677	46*)	5 000	058366	26*)	5 000	081622	21*)	5 000
007741	1—50	400	034092	18*)	10 000	058769	42*)	5 000	082272	39*)	5 000
008069	1—50	400	034349	37*)	10 000	058904	10*)	5 000	082609	32*)	5 000
008101	27*)	25 000	034585	18*)	10 000	059040	32*)	5 000	082980	08*)	5 000
008466	43*)	25 000	035276	20*)	5 000	060961	04*)	5 000	083730	10*)	5 000
009187	1—50	400	035537	1—50	400	061086	14*)	5 000	084232	47*)	5 000
009534	28*)	10 000	036782	1—50	1 000	061733	46*)	10 000	084321	29*)	5 000
009869	1—50	400	037001	1—50	1 000	063267	10*)	25 000	084395	04*)	5 000
010085	10*)	5 000	037233	39*)	5 000	063382	1—50	400	084944	41*)	5 000
010103	16*)	5 000	037288	37*)	25 000	063970	43*)	25 000	086337	49*)	5 000
011450	14*)	5 000	037301	39*)	5 000	064068	35*)	5 000	087475	1—50	400
011826	13*)	5 000	037405	1—50	400	064381	03*)	10 000	087619	04*)	5 000
012739	1—50	400	038317	12*)	5 000	065820	03*)	10 000	087730	1—50	400
013860	1—50	400	038725	24*)	5 000	066115	1—50	400	087817	46*)	5 000
015151	12*)	10 000	039340	1—50	1 000	066652	1—50	400	087956	38*)	5 000
015437	33*)	5 000	039858	1—50	1 000	066698	1—50	400	088217	1—50	400
015945	46*)	5 000	039979	31*)	5 000	066728	49*)	10 000	088458	1—50	1 000
017045	34*)	5 000	040145	35*)	10 000	069432	33*)	5 000	089367	1—50	400
017986	1—50	400	040293	42*)	5 000	069551	1—50	400	090016	1—50	400
017996	35*)	5 000	040989	1—50	1 000	069965	50*)	5 000	090172	1—50	400
018051	25*)	5 000	041839	32*)	5 000	069992	1—50	400	091577	02*)	5 000
018243	1—50	400	043775	1—50	1 000	070178	1—50	400	091644	09*)	5 000
018263	47*)	5 000	044093	20*)	10 000	070691	13*)	5 000	091825	1—50	400
019406	02*)	10 000	044655	46*)	5 000	071484	18*)	10 000	093005	41*)	5 000
021682	48*)	5 000	045032	1—50	400	071662	1—50	400	093124	1—50	1 000
021718	19*)	5 000	046501	26*)	5 000	072254	10*)	5 000	093496	1—50	400
022162	48*)	5 000	047172	1—50	1 000	072397	22*)	5 000	094242	1—50	1 000
022189	1—50	400	048789	27*)	5 000	072626	30*)	5 000	094547	15*)	10 000
022238	12*)	5 000	048915	49*)	10 000	072767	1—50	1 000	094857	28*)	5 000
022729	19*)	5 000	049142	40*)	5 000	075060	38*)	5 000	095912	29*)	5 000
023809	1—50	400	049805	13*)	5 000	075235	1—50	400	097624	37*)	10 000
024201	02*)	10 000	051041	25*)	5 000	075276	48*)	5 000	099149	20*)	5 000
025061	1—50	400	051050	44*)	5 000	075505	1—50	400	099621	42*)	5 000
025855	30*)	5 000	051732	1—50	400						

*) Шу seriядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 400 сўмдан ютуқ чиқди.

Ютуқлар ўйинини ўтказиш комиссиясининг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Сталино шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Г. П. ЕФИМЕНКО.

Раис ўринбосарлари:

Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити Бош бошқармаси секторининг бошлиғи В. В. МОЛОКОСУС.

Меҳнаткашлар депутатлари Сталино область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ф. И. БУЛГАКОВ.

Киров номли завод домна цехининг обермастери, СССР Олий Советининг депутати И. Г. КОРОБОВ.

СССР Кўмир саноати министрлиги Кўмир машинасозлиги давлат лойиҳа-конструкторлик институти Донецк филиалининг директори, Сталин мукофоти лауреати А. И. БАШКОВ.

Комиссия мас'ул секретари, молия хизмати кенгашчиси Л. А. ВАСИЛЬЕВА.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32317. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1296. Р. 00834.